

Генделнинг Амир Темур ҳақидаги операси ўзбек тилига ўгирилди

08.12.2015

Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси жамгармаси немис бастакори Георг Фридрих Генделнинг Амир Темур ҳақидаги операсининг ўзбекча таржимаси билан тўлдирилди. Ўзбекистон миллий кутубхонаси матбуот хизматининг хабар беришича, мусикий драма рус тилидан шоир ва таржимон Гулом Мирзо томонидан ўгирилди. 118 бет ҳажмли китоб “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилди.

Генделнинг “Тамерлан” номли асари ўзбек тилига “Амир Темур” номи остида ўгирилиб, унга кириш сўзини профессор Акмал Саидов ёзди. 1724 йили яратилган опера Генделнинг энг машҳур асарларидан бири бўлиб, у Анқара жангидан сўнг Йилдирим Боязиднинг қўлга олиниши ҳамда ундан кейинги воқеаларнинг эркин талкинини акс эттиради.

Китобдан, опера матнидан ташқари, Георг генделнинг таржимаи холи, библиографияси ва ҳаёти билан боғлиқ асосий саналар рўйхати ўрин олди.